

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**113 Республиканинг қайта ишлаш тармоқларини ривож-
лантириш мақсадида ўсимлик дунёси объектларидан
фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоғига инвестицияларни жалб этиш, шунингдек маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган қўшилган қийматли маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари билан етказиб беришга доир шартномалар мажбуриятларини бажариш юзасидан яланғоч қизилмия ғамланган (тўпланган) тақдирда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан яланғоч қизилмияни ғамлаш (тўплаш) ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома олинмасдан амалга оширилади;

яланғоч қизилмияни ғамлаганлик (тўплаганлик) учун тўловлар бўйича имтиёзлар берилган ҳолда ғамланган (тўпланган) яланғоч қизилмиядан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган тўловлар суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ўсимлик дунёсига етказилган зарар қопланган ҳолда ундирилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 108-модда) билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 март,
85-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 23 мартдаги 85-сон қарорига
ИЛОВА

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Юридик ва жисмоний шахсларга ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни ғамлаганлик (тўплаганлик) бўйича имтиёзлар:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари билан тузилган яланғоч қизилмияни етказиб беришга оид шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро этиш юзасидан яланғоч қизилмияни ғамлаш (тўплаш) шarti билан яланғоч қизилмияни ғамлашда (тўплашда) ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома олишдан озод этиш;

ғамлаганлик (тўплаганлик) учун тўловларни камайтириш шаклида берилади:

белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдорида камайтириш — Қизил китобга кирмайдиган ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан (яланғоч қизилмиядан ташқари) экстракт тайёрланганда ёки Ўзбекистон Республикасининг экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари билан уларни хом ашё сифатида етказиб бериш юзасидан шартномалар мавжуд бўлганда;

плантациялар ташкил этиш мақсадида экиш материаллари (уруғлар, кўчатлар) учун белгиланган тўловларнинг 90 фоизи миқдорида камайтириш;

белгиланган тўловларнинг 90 фоизи миқдорида камайтириш — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан бошқа ерларда яланғоч қизилмия ғамлаш (тўплаш) ва Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари билан тузилган яланғоч қизилмия илдизини хом ашё сифатида етказиб бериш юзасидан шартномалар мавжуд бўлганда.

Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхати, шунингдек республика бўйича ғамлаш (тўплаш) ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси ва республиканинг ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари буюртномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан

экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари етказиб беришга шартномалар нусхаларини тегишли ҳисобни юритиш учун ёввойи ўсимликлар ғамланадиган (тўпланадиган) ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этадилар».

2. Қўйидаги мазмундаги 10¹-банд қўшилсин:

«10¹. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома олишдан озода этиш шаклида улар бўйича юридик ва жисмоний шахсларга имтиёз берилган ҳолда яланғоч қизилмия ғамланганлиги (тўпланганлиги) учун тўлов Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарувчи, хом ашё шаклида яланғоч қизилмияни етказиб беришга юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузган қайта ишлаш ташкилотлари томонидан (рухсатнома олинмасдан) белгиланган тўловларнинг 3 фоизи миқдоридан тўланади».

3. 75-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ғамлашга (тўплашга) тўловлар бўйича имтиёзлар берилган ҳолда ғамланган (тўпланган) яланғоч қизилмиядан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган тўловлар суммаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар қопланган ҳолда ушбу банднинг биринчи хатбошига мувофиқ ундирилади».